

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



# milliy tiklanish

**ШАКАРГА БОТИРИЛГАН ҚЛАМПИР**  
Сектор раҳбари ёлгон гапирганмиди?



**АЗАМАТ ЗИЁ:**  
«30 ЙИЛДИРКИ ЎЗ МУДДАОИМИЗГА ЕТОЛМАЯМИЗ»



**ДИПЛОМАТНИНГ УСТИДАН ТУШГАН ШИКОЯТ ТАСДИҚЛАНДИ. АММО...**



## Йил ўтди

Тошкентда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловдан кейинги бир йиллик фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Шу кунгача 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг 42 та банди ижро қилинди.



### Қачон яқдил қарорга келамиз?

Парламент куйи палатасида янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги қонуни лойиҳаси муҳокама этилаётгани, ушбу ҳужжат 30 йил аввал қабул қилинган қонундан бутунлай фарқ қилишини депутатлар билан бирга зиёлиларимиз ҳам эътироф этмоқдалар.

Мутахассисларнинг қайд этишларича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши тил билан боғлиқ кўплаб муаммоларни узиб-кесил ҳал этиш имконини беради. Уларнинг фикрича, гарчи 2019 йили Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, ушбу тузилмага жуда катта ваколатлар берилган бўлса-да, аммо шундан кейин ҳам Ўзбек тилини ривожлантиришда «оламшумул» ўзгаришлар рўй бермади.

Ҳеч бўлмаса реклама ва эълонлар, турли баннерларни ўзбекчаштиришдек оддий масалада ҳам олдинга бирон қадам ташланмади...

Шунинг учун ҳам кўпчилик янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг мавжуд вазиятни ўзгартиришига умид қилмоқда.

Филология фанлари номзоди Султонмурод Олимнинг ёзишича, тил – ҳар қандай халқнинг энг муҳим бойлиги, миллий хазинаси ва улкан бисотидир.

– Забон борки, миллат бор. Шунинг учун ҳам тилга муносабат миллий давлат сиёсатининг ўзагини ташкил этади, – деб ёзади олим ўзининг «Хуррият» газетасининг 19 декабрь сонисида эълон қилинган мақоласида. Айни пайтда лотин ёзувининг афзалликлари ва шу асосда янги алифбога ўтишнинг тўғрилигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Давоми 6-бетда

**Янги клуб муборак бўлсин!**

## КАТТА УЙИН

«UZAUTO MOTORS» АЖ ВА ЎЗБЕКИСТОН МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ҚўМИТАСИ ЎРТАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ЎЗАРО НИЗОЛАР ОРТИДА НИМ ЁКИ КИМЛАР ТУРИБДИ?



4-5

3 **МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ**

# КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛМАСЛИК

ҲЕЧ КИМГА УНИ НОТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРМАЙДИ

3



Ўзбекистондаги 10 минг мактабнинг 3000 тасида умуман ошхона йўқ. Ошхонаси борлари ҳам талаб даражасида эмас. Энг ёмони болаларга берилаётган баъзи озик-овқат маҳсулотларининг сифати паст. Шуларни эътиборга олиб, ҳукуматга мактаблардаги ошхоналарни реконструкция қилиш тақдирини киритдик.

# Йил ўтди

Тошкентда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловдан кейинги бир йиллик фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Дастлаб ОАВ ходимлари, журналист ва блогерларга партиянинг 2020 йилдаги фаолияти видеоролик шаклида намойиш этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров тadbирни очар экан, 2019 йилги сайловлардан кейин партия парламентда 36, маҳаллий Кенгашларда эса 1300 нафар депутатлари билан фаолият олиб бораётганини таъкидлади.



Қайд этилишича, ўтган вақт давомида партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг 42 та банди ижро қилинган. Шундан, 16 та вазифа қонунчиликда, 11 таси Президент фармони ва қарорларида, 4 таси Вазирлар Маҳкамаси ва турли вазирликлар қарорида ҳамда 4 та вазифа «regulation.gov.uz» муҳокамалар порталига joyлаштирилган ҳужжатларда ўз аксини топган.

2020 йил давомида депутатлар томонидан парламентга жами 11 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, уларнинг 9 тасида «Миллий тикланиш»чилар иштирок этиди. Бундан ташқари, 1 та яхлит қонун лойиҳаси партия фракцияси томонидан ташаббус келинди.

Қонун лойиҳаларни такомиллаштириш мақсадида партия фракцияси 26 та қонун лойиҳасини жойларда — сайловчилар иштирокида муҳокама қилди. 5 та қонун лойиҳаси эса бугунги ҳаётий талабларга зид деб топилди, қайта ишлаш учун масъул кўмиталарга қайтарилди.

Шу ўринда депутатларимиз ташаббуси билан «Таблим тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 3-моддасига «тарбия» тушунчаси киритилиб, шу йўл билан тарбиянинг аҳамиятини тиклашга эришилганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, қонунга партия саъй-ҳаракати билан нодавлат таълим ташкилотларига Ўзбекистоннинг таълим стандартлари ва талабларига зид бўлмаслик мажбурийати ҳам киритилди. Ана шу муҳим қонун лойиҳасининг 49-моддасида эса таълим ташкилотларида кийим-кечакка қўйилган талаблар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши билан боғлиқ норма бекор қилинди.

Ҳисобот даврида Миллий ғоя концепцияси лойиҳаси тайёрлангани, партиянинг мақсад ва госяларини тарғиб қилиш мақсадида эса «Миллий алла фестивали» танлови ўтказилганини айтиш жоиз.

Шунингдек, йил давомида Тошкент шаҳрида «Ўзбек тилининг рақамли лингвистик ресурсларни яратиш истиқболлари», «XXI аср — халқ рақси» — «Бухоро жи-

лолари» ҳамда Самарқанд шаҳрида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан «Миллий ўзликни англаш»да жадидчилик ҳаракати ва Маҳмудхўжа Бехбудий маънавий меросининг ўрни ва аҳамияти» мавзуларида республика илмий-амалий конференциялари ўтказилди.

Парламент куйи палатасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

ра-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида депутатлар 25 759 та ҳонадонда бўлиб, 97 656 нафар фуқаро мурожаатини ўргандилар. Таҳлиллар, ҳулосалар асосида эса «Темир дафтар»га 1676 нафар, «Аёллар дафтари»га 2419 нафар ва «Ёшлар дафтари»га 2377 нафар фуқаро киритилди. 2696 нафар фуқаро эса иш билан таъминланди.

яда эса 5-6 та дунёга машҳур автосаноат корхоналари фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда автомобиллар нархнинг юқори экани асосан фуқароларимизнинг тўлов қобилияти билан боғлиқ эканини ҳам унутмаслигимиз керак. Биз ҳам «UZAUTO MOTORS» АЖ рақобатбардош бўлиши, халқимизга машиналарни танлаш имконияти яратилиши тарафдоримиз. Мамлакатимизда шундай натижаларга эришиш бўйича ишлар бошланган. Масалан, яқинда Киото шартномасига қўшилдик, айни пайтда эса Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга ҳаракат қилинмоқда. Агар ушбу ташкилотга аъзо бўлсак, божхона тўловларини ўзимизча белгилай олмаимиз ҳам. Қолаверса, бу билан Ўзбекистон товарлари учун дунё, хориз товарлари учун эса Ўзбекистон бозори эшиклар очилади ва бундай муаммоларга ўз-ўзидан ечим топилади.

Бир сўз билан айтганда, биз миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватловчи партия сифатида «UZAUTO MOTORS» АЖни босқичма-босқич жаҳон стандартларига мослаштириш тарафдоримиз. Ўзбекистонда рақобатбардош автомобиль ишлаб чиқарилиши барчамизнинг орзуимиз, албатта. Аммо шунингдан тан олайлик: айни пайтда 13 млн. ишга лаёқатли аҳолининг 70 фоизи 2 млн. сўмдан кам ойлик оляпти. Ана, биз бугун нималарга эътибор қаратишимиз керак!?

Партия етакчиси «Жамият» газетаси мухбири Нуриддин Убайдуллаевнинг Давлат тили ва Реклама тўғрисидаги қонунлар ижроси ҳақидаги саволига жавоб қайтарар экан, ўзбек тилидаги рекламалардан кўра, бошқа тилларда ёзилган рекламалар кўпчилигини давлат тили қонунини бузиш деб атади.

Қайд этилишича, бугунги кунда реклама фақат реклама эмас, мақдурвай тарғиботга ҳам айланиб кетаяпти. Партиямиз айнан ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратиб, мазкур нормаларни янги таҳрирдаги қонун лойиҳасига киритишга ҳаракат қилаяпти. Бу билан тадбиркорлар фаолиятига аралашмоқчи эмасмиз. Лекин

тадбиркор ўз ҳуқуқларидан фойдаланяптими, демак у тил қондаларига ҳам бирдек амал қилиши ва миллий кадрларимизга зарар етказмаслиги лозим.

Алишер Қодиров ижтимоий тармоқларда нотўғри талқин қилинган «оч бола жиноят қилади» деган фикрга ҳам изоҳ бериб ўтди.

Француз педагоги Гуй Жакуин 12 ёшгача бўлган бола организмни порох бочкасига ўхшатган эди. Катта ёшдагиларда бундай ҳаракат бўлмайди. Аммо ёш бола организми ўзгарувчандир, очлик унда физиологик депрессия ҳолатини келтириб чиқаради. Бола айнан шу ёшда ўз ҳаёти учун хавфли қарорларни ҳам қабул қилиши мумкин. Тасувиур қилинг: бола эрталаб уйдан чиқиб кетди. Қорни оч. Қайсидир оила боласига нонушта қилиб бера олади, қайсидир эса йўқ. Бола 5-6 соат вақтини мактабда ўтказади. Айтايлик, мактабда ошхона йўқ. Яъни, боланинг физиологик-депрессия ҳолати айнан мактабга тўғри келади. Бунинг оқибатида ўқувчи бола ўз ўртоғи билан урушиши, зиддиятга киришиши осон кечади. Ҳатто жамиятимизда ўқитувчисига қўл қўтаридиган ўқувчилар ҳам пайдо бўлди.

Буларнинг барчасини илмий жиҳатдан таҳлил қилдик. Ўзбекистондаги 10 минг мактабнинг 3000 тасида умуман ошхона йўқ. Ошхонаси борлари ҳам талаб даражасида эмас. Энг ёмони, болаларга берилаётган баъзи озик-овқат маҳсулотларининг сифати паст. Шуларни эътиборга олиб, ҳукуматга мактаблардаги ошхоналарни реконструкция қилиш тақдирини киритдик. Қувонарлиси, келгуси йилда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратиладиган бўлди. Ҳар бир мактабда нафақат ошхона ташкил қилиш, сифатли ва арзон озик-овқат билан таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳукумат раҳбари билан гаплашиб, шундай ҳулосага келдик.

Тўғридан-тўғри эфирга узатилган Матбуот анжумани якунида ушбу анъана давом эттиришга қарор қилингани таъкидланди.

## Янги изохли лугат тақдироти

Жорий йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан нашр этилган «Ҳарбий атамаларнинг янги изохли лугати»нинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти ходимлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги Марказий аппарати, республика олий ҳарбий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Давлат хавфсизлик хизмати Академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Миллий гвардия ҳарбий-техник институти, Давлат божхона қўмитаси Божхона институти вакиллари қатнашдилар.

Таъкидлаш жоизки, қўшинлар фаолиятида қўлланилаётган ҳарбий атамаларга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Бу хилма-хил ёндашувлар қўшинлар ҳаракатини ташкиллаштириш ва бошқариш жараёнига салбий таъсир ўтказиб, бўйсинувдаги қўшинлар жанговар қўлланилишини режалаштириш, ташкиллаштириш, тайёрлаш, уни амалга ошириш жараёнида турли хил изохлаш ва фарқлашга олиб келмоқда.

Ушбу изохли лугат кўп қўлланиладиган ҳарбий атамалар мазмуни умумий шаклда, умумқабул қилинган нозомлар таърифларидан четланмаган ҳолда ёритиш, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи ҳарбий тузилмалар ва олий ҳарбий таълим муассасалари кундалик, жанговар (жанговар-хизмат) фаолиятини тартибга солувчи меърий-ҳуқуқий актлар, жанговар ва бошқа ҳужжатларда қўлланиладиган ҳарбий терминологияни шартли равишда тушунишни ва ишлатилишини тартибга солади.

Ушбу изохли лугатдан ҳарбий хизматчиларни профессионал ва ижодий тафаккурини ривожлантиришда, замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий тавсиялар, хизмат шаклий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари фаолиятини тартибга солувчи меърий-ҳуқуқий актлар ишлаб чиқишда самарали фойдаланилади.

Тақдим этилаётган «Ҳарбий атамаларнинг янги изохли лугати» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан барча ҳарбийлашган тизимлар, олий ҳарбий таълим муассасалари вакилларига бепул етказилади.

ЎЗА

**«Айниқса, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига 34 трлн. сўмлик улуши билан иштирок этаётган «Ўзавтомоторс» билан боғлиқ саволлар журналист ва блогерлар эътиборини кўпроқ тортгани бежиз эмас.**

муҳокамасига бағишланган ялпи йиғилишда партия фракцияси томонидан «Эл-юрт умиди» фондига 30 млрд. сўм эмас, 62,5 млрд. сўм ажратиш, Мактабга таълим тизимидаги педагоглар маошини 20 фоизга ошириш тақлифлари берилди. Шунингдек, фракция аъзолари мактаблар қуриш, уларни реконструкция қилиш учун кўпроқ маблағ ажратиш тақлифини ҳам илгари сурдилар. Ушбу тақлифлар ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топти.

2020 йилдаги фаолият таҳлил этилганида маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан сессияларга 295 та масала киритилганини, доимий комиссиялар йиғилишларида 691 та долзарб масала кўтарилиб, 929 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилганини қайд этиш жоиз. Шунингдек, ҳисобот даврида 5967 та депутатлик сўровларининг 4467 таси ижобий ҳал қилинди, 193 та депутатлик сўровида эса жавоб қайтарилмади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг родини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чо-

Матбуот анжуманининг савол-жавоб қисмида асосий эътибор ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама этилаётган мавзуларга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига 34 трлн. сўмлик улуши билан иштирок этаётган «Ўзавтомоторс» билан боғлиқ саволлар журналист ва блогерлар эътиборини кўпроқ тортгани бежиз эмас. Алишер Қодировнинг таъкидлашича, автосаноатдаги битта иш ўрни турдош бўлган 7-8 та иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

Тўғри, айни пайтда кўпчиликл яқиндаги нархларнинг юқорилиги ва божхона тўловларининг баландлигига эътироз билдирмоқдалар. Аммо божхона тўловларини пасайтириш ёки умуман бекор қилиш «UZAUTO MOTORS» АЖга эмас, кўпроқ қонун ижодкорларига боғлиқ эканини айрим депутатлар эътиборга ҳам олмаяптилар. Дунё таърибасидан маълумки, автосаноат ҳеч бир давлатда осонликча ривожланмаган. Масалан, Япония ва Жанубий Корея 80-йилларгача ўз автосаноатини ташқаридан химоя қилиш учун бозорни томонан ёпган. Айни пайтда эса Японияда ўнга яқин, Коре-

ойласи, иккинчи ўринга чирчиқлик Саидовлар, учинчи ўринга эса ўқори чирчиқлик Таслимбоев ва Бекобод шаҳридан Эгамбердиевлар оиласи муносиб деб топилди.

– Ота-онамининг китобга муҳаббати бизни ҳам китобсевар этиб тарбиялади, – дейди Шаҳзода Юсуфжонова. – Уйимизда ҳам каттагина кутубхонамиз бор. Унда 300 дан ортқ бадий адабиётлар жамланган. Мақсадим – тенгдошларим ўртасида ҳам китоб мутаоласини кенг тарғиб этиш.

Ғолибларга вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар топширилди.

Нигора ЎРОЛОВА,  
«Миллий тикланиш» газетаси  
мухбири

## Юсуфжоновларга раҳмат айтаммиз



Партия Тошкент вилояти кенгаши Президентимизнинг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Энг яхши китобхон оила» танловини ўтказди. Нурафшон шаҳрида ўтган танловда туман босқичида ғолиб бўлган 7 нафар оила иштирок этиди. Қўриқ-танлов иштирокчилари «Биз китобхон оиламиз», «Биз севган китоб», «Бадиий ва маънавий саводхонлик беллашуви» каби шартлар асосида бахшландилар.

Қизғин тортишувлардан сўнг биринчи ўринга қибрайлик Юсуфжоновлар

Қутлов!



Гулнара Ахматгалеева Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказилган танловнинг «Энг фаол депутат» номинацияси ғолиби бўлди.

# КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛМАСЛИК

## ҲЕЧ КИМГА УНИ НОТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРМАЙДИ

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда «ими-жимида қабул қилинган қонунлар» ёки «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига суд ислохотлари борасида киритилган ўзгаришлар кенг жамоатчилик муҳокамасида ўтмаган» қарилган асосиз фикрларнинг эълон қилинаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бизнингча, бу қонун ижодкорлиги жараёнларидан мутлақо бехабарликнинг ёрқин намунаси, холос. Албатта, юртдошларимизнинг қонунларимизга бефарқ эмасликлари, уларга нисбатан фаол муносабатда бўлиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришдан эринмаётганлари ижобий ҳол, албатта. Бироқ, юқоридagi ҳолатда кўтарилаётган масаланинг қай даражада ҳақиқатга яқинлиги ва юридик нуқтаи назардан тўғрилиги ниҳоятда муҳим эканини таъкидлаш лозим.

Агар мендан парламент вакили сифатида кейинги 5 йилда Конституциямизга ўзгаришлар киритиш билан боғлиқ энг кўп муҳокама ва таҳлил қилинган қайси масала деб сўраса, шубҳасиз суд ислохотлари билан боғлиқ ўзгаришлар, дея жавоб қайтарган бўлар эдим. Чунки, кейинги пайтларда Конституциямизга суд ислохотлари билан боғлиқ ўзгаришлар киритишга сабаб бўлган ғоя энг аввало жамоатчилик муҳокамалари асосида шакллантириляпти.

Айтиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши томонидан июнь ойида жойларда ўтказилган жамоатчилик вакиллари билан мулоқотлар давомида суд ишларида ортиқча бюрократиянинг сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришда такрорловчи босқичлар мавжудлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар очикчасига кўрсатиб ўтилган эди.

30 июнь куни эса мақсур ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хузурида ўткан кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида ҳам аτροφлича муҳокама қилинди.

Кўп ўтмай – 24 июль куни Давлатимиз раҳбарининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унга кўра, 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юришти турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди. Ушбу янги тизим жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлигини бартараф этиш ҳамда ўз навбатида фуқаролар ва тадбиркорларнинг сарсон бўлишларининг олдини олишга хизмат қилиши билан ҳам ниҳоятда муҳим эди.

Қолаверса, Фармонда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш назарда тутилди. Бу, ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли тазйиқларидан холи ва мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароит яратди.

Юқоридagi суд ислохотларини рўйбга чиқариш учун эса энг аввало, Конституциямизнинг 107-моддасига ўзгариш киритиш талаб этилар эди. Шу сабабли, Олий суд ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда парламент томонидан ҳам кўплаб муҳокамалар ташкил этилди. Масалан, жорий йилнинг 30 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Одил судлов самарадорлиги ва қонунчилиги», 12 август куни «Одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинг юритилишини таъминлашнинг тартиб-тамоиллари» мавзусида семинарлар ташкил этилиб, унда нафақат депутатлар, сенаторлар, балки ҳуқуқшунос олимлар, соҳа вакиллари, оммавий ахборот воситалари, бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва журналистлар иштирок этдилар. Семинарда муҳокама этилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар кўплаб босма ва электрон оммавий

ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, шу жумладан «you tube» видеохостинг расмий саҳифасида ҳам кенг ёритилди. Айтиш мавзуда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг кўплаб мақолалари ҳам эълон қилинди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларда одил судловни таъминлаш борасида ҳудудларда ўтказилган мулоқотлар давомида жамоатчилик вакилларига мамлакатимизда амалга оширилаётган суд ислохотлари ҳақида аτροφлича маълумотлар берилди. Қолаверса, ушбу мулоқотлар натижаси халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида муҳокама қилиниб, республика, маҳаллий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ёритиб берилди.

Шу ўринда Конституциямизга суд ислохотлари билан боғлиқ киритилаётган ўзгаришларнинг парламентдаги, шу жумладан фракциялар ва Қонунчилик палатасининг ялли мажлисидаги муҳокамалари натижаси оммавий ахборот воситаларида изчил ёритилганини таъкидлаш жоиз.

Аксарият депутатлар эса Конституцияга киритилаётган ўзгаришларнинг ниҳоятда муҳим эканини инobatга олиб, унинг мазмунини ҳақидаги хабарларни ижтимоий тармоқлар, шу жумладан ўз телеграм каналларида ҳам эълон қилдилар.

Аммо шунга қарамай, айрим блогерларимиз томонидан юқоридagi Қонунчи қабул қилишда Конституциянинг 128-моддаси талабларига риоя этилмаганлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилдики, бу уларнинг Бош Қомусимизда белгиланган қоидаларнинг туб моҳиятини тўғри англамаганликлари оқибати деб ўйланган.



Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

Эътибор қилайлик, Конституциямизнинг 128-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли тақлиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгаришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин» деб кўрсатилган. Бунда «олти ой мобайнида» деган жумлани «камида олти ой» деб тушуниш хато, албатта. Чунки бу ерда Конституцияга ўзгаришлар ҳамда тузатишлар киритиш ҳақидаги тақлифни Олий Мажлис узоғи билан олти ойда қабул қилиши ҳақида сўз бормоқда. Қолаверса, ушбу муддат парламентнинг ҳар иккала палатаси учун берилган муддатдир. Ҳар иккала палатадан эса ҳар қандай тақлифни ана шу муддат ичида ўрганиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш талаб этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг концепциясини конституциявий нормаларга амал қилган ҳолда, даставвал жамоатчилик вакиллари, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар билан ўтказилган чуқур ва аτροφлича муҳокамалар натижасини инobatга олиб, ўз вақтида кўриб чиқди ҳамда қабул қилди.

Шу маънода мақсур Қонун парламент юқори палатаси томонидан маъқулланиб, Президент томонидан имзоланган, суд тизимида 2021 йил 1 январдан эътиборан жорий этилиши назарда тутилган тарихий ислохотлар учун ҳуқуқий замин бўлиши шубҳасиздир.

## МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



Ақбар АХТАМОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси

Жаҳон тарихидан маълумки, халқларнинг юксалиши уларнинг маънавий, ғоявий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллий ғоя асосида мураккаб синовлардан ўтганлар. Миллий ғоя уларни Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ҳам кўп миллатли халқимизнинг ягона миллий ғояси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан, шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ютуқларини ҳам ўзида мутассам этади.

Миллий ғоя инсон, халқ ва жамият ҳаётига чуқур кириб борадиган таъсирчан омил сифатида жамиятнинг бош мақсадини ифода этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари деган улғу мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий истиқлол ғоясининг ишлаб чиқилиши Ўзбекистонда мустақилликни асраш, мамлакат хавфсизлигини сақлаш, мафкуравий таҳдидларга қарши курашда халқни бирлаштиришга хизмат қилди.

Миллий ғояни ривожлантириш концепциясининг

қабул қилиниши эса турли миллат ва эллар ўртасида ягона Ватан туйғусини янада мустаҳкамлаш, жамиятнинг барча жабҳаларида адолат – қонун устуворлигини таъминлаш, халқ розилигига эришиш, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, бугунги замон талабидан келиб чиққан ҳолда илм-фан, таълим-тарбияга эътибор қаратиш, иқтисодий инновацион ёндашувни кенг жорий этишга хизмат қилади десақ муболаға бўлмайди. Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларда халқимизнинг орзу-истак ва интилишлари ўз ифодасини топган.

Шу маънода миллий ғояни ривожлантириш концепциясида халқимиз ҳаёт сифатини юксалтириш, «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган ғояга қатъий амал қилиш, хорижда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, уларнинг ўз билим ва тажрибаси, ақл-заковатини Ўзбекистон равақига йўналтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги

обрў-эътибори ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифалар қайд этилган нафақат концепциянинг ҳаётийлигини таъминлаган, шу билан бирга унда реал мақсадлар белгилаб олинган, аҳолининг бахтли ва фаровон яшаши учун барча имкониятлар ишга солинишини аниқ ифодалаганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунингдек, концепция лойиҳасида миллати, тили ва динидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатлари ва орзу-интилишларини акс эттириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият даражасига кўтариш, ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллигига риоя этиш, шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда масъулияти уйғунлигига эришиш, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган иқтисодий омилар самарадорлигини ошириш, миллий юксалиш ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш каби асосий тамойиллар ўз аксини топган.

Кутинг!

«Ҳар соатда 6 дақиқа реклама бериш мумкин. Лекин қонунда ушбу талаб кўрсатувнинг ихтисослаштирилган рекламаларига татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Имтиёзга эга бўлган каналлар қандай аниқланади?»

Келгуси сонларда

## Биринчи мақола

# ДАВЛАТТА ИШТИМОЙ

Агар 2020 йилнинг 12 мартда «старт» олган низоли ҳолат чуқурроқ таҳлил этилса, гўё ушбу жараён пухта ўйланган сценарий асосида ташкил этилгандек таассурот уйғотади кишида. Саналар, сценарий муаллифлари, можарони имкон қадар «миллий сериал»га айлантиришга уринган режиссёрлар ҳақидаги маълумотларни «диссерт»га қолдирсақда, ҳозирча қарийб олти ойдан бери ижтимоий тармоқларда «трэнд»га айланган куйидаги саволларга жавоб топишга уриниб кўрасақ: кўпчилик қайд этаётганидек, чиндан ҳам Ўзбекистонга автомобил ўзбекистон санвати керамми ўзи, маҳаллий истеъмолчига қиммат, хоржиликларга эса ўз маҳсулотини арзон сотаётган тизимни ушлаб туришдан қимлар манфаатдор, халқаро тажриба билан Ўзбекистон тажрибаси ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар бор...

Мақола хотимасида эса низоли ҳолатнинг кимга қандай наф келтираётганини изоҳласак.

Шу ўринда юртимизда шундай нуфузли кўмита борлигидан, айнан ушбу низоли ҳолат сабаб воқиф бўлганимизни айтиш жоиз.

Ўзбекистон иқтисодий-тининг устунларидан бири дея эътироф этилаётган «UzAuto Motors» АЖ ҳақидаги кўп маълумотлар ҳам айнан ушбу вазият туфайли очикланди, дейиш мумкин.

Бу айтиш мумкинки, можароли вазият туфайли эришилган энг катта ютуқларимиздан бири бўлди, албатта.

Энди муддаога ўтсак: айрим таҳлилчилар ҳалигача нега айнан пандемия авж олган бир шароитда Монополияга қарши курашиш кўмитаси ушбу тизимни «тафтиш» қилишга бел боғлаганига изоҳ тополмаётганларини таъкидлашмоқда. Чунки, дунё

тажрибасидан маълумки, бугунгидек инқирозли шароитларда ЯИМ ҳажмини оширишга ҳисса қўшаётган ва минг-минглаб фуқаролар бандлигини таъминлаётган бундай корхоналар ҳар томонлама кўллаб-қувватланади. Ўзбекистонда эса корона-вирус авж олган энг оғриқли паллада давлат бюджетининг оз эмас, кўп эмас 3,5 фоизини шакллантираётган, қиёс учун «O'zbektelekom»дан 3 баробар, «O'zbekiston Temir Yo'llari»дан эса 7 баробар катта бўлган тизимга ўғай муносабатда бўла бошладик.

Тан олайлик: «UzAuto Motors» АЖ маҳсулотларининг ўзимизда қиммат, аммо хоржида арзон сотилаётгани ҳақидаги иддаолар миллионлаб юртдошларимизнинг ушбу тизимга бўлган ишончини деярли йўқотаёзди... Ижтимоий фикр шакллантирилган навбатдаги босқичда эса ижтимоий тармоқларда мисоли коптокдек бир-бирига «оширилган» ахборотларнинг қанчалар тўғри ёки нотўғрилигига кўпчилик қизиқмай ҳам қўйди. Бундан ташқари, кейинги йилларда ушбу тизимда амалга оширила бошланган ислохотлар ҳақидаги гаплар ҳам, хусусан, янги раҳбариятнинг Ўзбекистонда «Skoda» ва «Volksvagen» автомобилларини ишлаб чиқариш борасидаги интилишлари ҳам гўё ёлгон маълумотдек қабул қилина бошланди.

Бу эса «UzAuto Motors» АЖга қарши қаратилган кампания ҳосил бера бошлаганидан далолат эди.

Маълумки, фақат қиёслаш реал ҳолатга баҳо бериши мумкин. Бас шундай экан, келин, дунё автосаноатида етакчилик қилаётган давлатларнинг қандай муваффақиятга эришганларини таҳлил этиб кўрайлик.

Айни пайтда Япония автомобил санвати жаҳон миқёсида энг етакчилардан саналиб, ушбу тизим мамлакат иқтисодиётининг ҳам асосий улуши ҳисобланади. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушигача кунчиқар юрта автомобиллар асосан Европа моделлари асосида ишлаб чиқарилган. 1925 йилдан бошлаб эса, АҚШнинг 3 та

йирик компанияси Японияда ўз заводларини очди.

1936 йилга келиб, ҳукумат томонидан маҳаллий автомобиль сановатини ривожлантириш мақсадида «Автомобиль санвати тўғрисида»ги қонун қабул қилинади. Унга асосан, мамлакатдаги барча хоржий автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялар давлатга тегишли экани маълум қилинади. Натижада 1939 йилда барча хоржий компаниялар ўз фаолиятини тўхтатади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса автомобиль импорти валюта захиралари камлиги туфайли ҳукумат томонидан кучли назоратга олинади. Автомобиль импортига сарфланган маблағ эса Япония ҳукумати томонидан маблағларни беҳуда сарфлаш, деб баҳоланади. Шу боис, импорт товарларига батамом чек қўйилади.

1950 йили Японияда асосан юк автомобиллари ишлаб чиқарилган бўлса, 1952 йилга келиб хориждан энгил автомобиллар ҳам олиб келина бошланди. Шундан ташқари, Шундан ташқари, энгил автомобилларини изчил ўрганиб, ўз миллий моделларини яратганлар. Натижада қисқа вақт ичида эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, хоржий технологиялар босқичма-босқич ўзлаштирила бошланди. Уша йили миллий автомобиль сановатини ривожлантириш мақсадида автомобиль ва уларнинг эҳтиёт қисмларини олиб киришга қўриқ тарифлар ҳам белгиланди. Чет эл корпорацияларининг Японияда автомобил заводларини куришига эса очик-ойдин тўсиқ қўйилди.

Аммо бундай саяёҳаракатлар яхши автомобиль ишлаб чиқариш учун етарли эмас эди. Шунинг учун аҳолининг харид қобилиятини оширишга киришилди. 1960 йилда «Япония даромадини икки қарра ошириш» режаси илгари сурилиб, ушбу режа муддатидан олдин амалга оширилди ва бу билан мамлакатда автомобил ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ортшишига имконият яратилди. Шунингдек, чет элларда ҳам Япония ўз заводларини оча бошлади.

90 йилларда арзон, ишонч-



ли ва машҳур автомобиллар ишлаб чиқарган Япония 2000 йилга келиб, дунёдаги энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бирига айланган.

АҚШда эса автомобиль санвати 1890 йилларда шакллана бошлади. Ички бозор ҳажмининг катталиги ва автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг кескин ўсиши натижасида ушбу бозор қисқа вақт ичида энг йирик бозорга айланган.

Аммо 2000 йилнинг биринчи ўн йиллигида автомобиль бозорида рақобат кескин кўтарилиб, йирик ишлаб чиқарувчилар «FORD», «General Motors», «Chrysler» банкротлик ёқасига келиб қолди. Шундан кейин ҳукумат ушбу компанияларни кўллаб-қувватлаш мақсадида махсус фонддан 80 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратди ва тизим бутунлай реструктуризация қилинди.

Бугунга келиб ушбу тизимда 1,7 миллиондан ортқ фуқаро иш билан банд. Бу эса, давлат бюджетига 500 миллиард доллардан ортқ компенсация ва 70 миллиард доллардан ортқ солиқ келиб тушишига олиб келади. Ҳозир АҚШда Германия, Япония ва Корейнинг 15 та автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналари фаолият олиб бормоқда.

Хитой автосаноати ҳам ярим асрлик тарихга эга. 1953 йилнинг 15 июни Хитой автомобилсозлик сановатининг таваллуд кунини ҳисобланади. Утган асрнинг 90-йилларида аҳоли даромадларининг

кескин ўсиши автомобилларга бўлган талабни ҳам ошириб юборди. Мамлакатда Япония ва АҚШ автомобилларининг кўпайгани сабабли, Хитой ҳукумати валюта операцияларини чеклаш орқали ушбу жараённи секинлаштира бошлади.

1985 йилнинг март ойида эса импорт қилинадиган автомобилларга божхона тўловлари кескин оширилди. Сентябрь ойдан бошлаб автомобилларни импорт қилишга икки йиллик мораторий жорий этилди. Бу билан мамлакатда кўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш, янгиларни тузиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кўллаб-қувватланди.

90-йилларнинг бошига келиб эса Хитой автосаноати юқори суръатларда ривожланди. 2001 йилда Хитойнинг ЖСҲга аъзо бўлиши миллий бозорнинг хоржий инвестициялар учун янада кенгрок очилишига ёрдам берди, дейиш мумкин. Аммо давлат сановат соҳасини қаттиқ назорат қилишдан воз кечмади.

Туркияда эса 1929 йилда илк бор «FORD» русумли автомобиль йирилган. 1954 йилда Тузла шаҳрида «Jeep» заводи ташкил этилди. Кейинчалик яна бир неча шаҳарларда автомобиль заводлари фаолият асос солинди.

Айни пайтда Туркиянинг энгил автомобиллар сегментида турк брендлари қолмаган ва деярли барча автомобиль заводлари жаҳон автоконцернлари билан ҳамкорликдаги кўшма корхоналардир, де-

йиш мумкин. Бугунга келиб Туркия автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Европада 5-ўринда, тижорат автомобиллари бўйича эса 2-ўринда туради.

Шу ўринда, мамлакатимизда миллий автомобилсозлик сановатининг яратилиши ва унинг ўтган йиллардаги ривожланиш тенденциясига бир разм солсак.

Аввало, шундан ташқари, халқаро амалиёт ҳукуматларнинг хўжалик фаолияти билан шугулланмаслигини кўрсатмоқда. Ҳукуматнинг устувор вазифаларидан бири бу – солиқларни ундириш ва шу ҳисобдан халқ фаровонлигини таъминлаш ҳисобланади. Бироқ, ўтган асрнинг 90-йилларида йирик хоржий сармоядорларнинг эндигина мустақил бўлган Ўзбекистонга у қадар ишончи бўлмагани боис, инвесторлик ролини Ҳукумат ўз зиммасига олишга мажбур бўлди. Шу тарихда давлат улуши орқали йирик корхоналар ташкил этила бошланди.

Автомобилсозлик сановатининг яратилиши ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Шундай қилиб, 1994 йилда «Узавтосаноат» компаниясига асос солиниб, «UzDaewoo» заводи қурилишининг тамал тоши қўйилди. Икки йил ўтиб, Ўзбекистон ўз автомобилларини ишлаб чиқара бошлади. Таъбир жоиз бўлса, бу энди-гина тетапоя қилаётган ёш давлат учун оламшумул ютуқ эди. Дунёда мавжуд 200 дан ортқ давлатнинг бор-йўғи

# ШАҲАРГА БОТИРИЛГАН

## Наҳотки Илҳом Ҳасановнинг гаплари ёлгон бўлса...



У суҳбат чоғида ўз сектори таркибига кирувчи 8 та ҳудуд аҳолиси ҳолидан мунтазам хабар олиб туришини қайта-қайта таъкидлаганди. Унда нега Бешбулоқ МФЙ ва Зиёкор ШФЙ аҳолиси уни танимаяпти?!

Шу йилнинг 24 ноябрида Юртбошимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамизнинг бир қанча ҳудудлари қатори Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ва Боёвут туманларидаги ижобий натижалар қайд этилди. Аммо айниқса Сирдарё туманида аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, темир дафтардаги фуқароларни иш билан таъминлаш борасида бирон иш амалга оширилмагани, туман ҳоқими, сектор раҳбарлари ўзибўларчиликка, боқи-бегамлиқка берилганлиги, ўзларига бириктирилган ҳудудлар аҳолисининг дардини эшитиш уёқда турсин, бу ҳудудларга умуман бормаётганлиги кескин танқид қилинган эди. Шунингдек, ушбу видеоселектор йиғилишида ҳар бир сектор раҳбарининг ўзига бириктирилган ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этишга шахсан масъул эканлиги алоҳида қайд этилган. Яқинда ушбу топшириқлар қай даражада бажарилаётганини билиш мақсадида

Сирдарё туманида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар, хусусан туман Давлат Солиқ инспекцияси раҳбари масъул бўлган 4-сектор фаолияти билан танишилди.

Айни пайтда мазкур секторга бириктирилган 8 та маҳаллада 5612 та хонадон, 7664 та оила бўлиб, уларда 27301 нафар аҳоли яшайди. 419 та оила ижтимоий ҳимояга муҳтож, уларда яшовчи 1442 нафар фуқаро эса темир дафтарга киритилган.

ДСИга қарашли 4-сектор котиби Абдуқодир Одилжонов берган маълумотларга кўз югуртирсангиз, даставвал барча ишлар рисоладагидек кўринади. Бироқ...

Бироқ сектор таркибига кирувчи, Бешбулоқ МФЙ ва Зиёкор ШФЙлардаги аҳоли билан суҳбатлашсангиз, кўкракка муштлаб айтилган гаплар, чиройли тарзда қозога тиркалган битиклар, рақамлар унчалик ҳам «ҳаётий» эмаслигига амин бўласиз. Биз ўрганишларимизни дастлаб Бешбулоқ МФЙдан бошладик.

## «UZAUTO MOTORS» АЖ ВА ЎЗБЕКИСТОН МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ЎРТАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН НИЗОЛАР ОРТИДА КИМЛАР ТУРИБДИ?



30 га яқини ўз автомобиль заводига эга эканини ҳисобга олсак, мамлакатимиз эришган ушбу муваффақиятнинг залвори ва кўлами қанчалар салмоқли эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энг муҳими, ўтган йиллар давомида автомобилсозлик саноати модернизация қилиниб, янги моделларни ишлаб чиқарила бошлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳамма йил сайин ортиди. 1996 йилда «Самкучавто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ташкил этилиши, 2006 йилда эса Туркия ўрнига Япониянинг «Isuzu» компанияси кириши юк машиналари ва автобусларни ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш имконини берди. 2012 йилдан бошлаб эса, Германиянинг «MAN» юк автомобиллари тайёрлана бошлади. 2015 йилдан эйтиборан миллий автомобилларимиз «RAVON» бренди остида хорижда сотила бошлади.

Албатта, мамлакатимиз иқтисодийнинг юксалишида автомобилсозлик ҳосасининг ўрни ва роли бекиёс. Чунки ушбу тизим солиқлар, турли йиғимлар ва мажбурий тўловлар шаклида йирик пул оқимини ҳосил қилиб, давлат бюджетини тўлдиршига салмоқли ҳисса қўшади. Ушбу соҳанинг ЯИМдаги соф улуши 3,5 фоизни, барча бюджет ва бюджетдан ташқари фонлари даромадларининг 3 фоиздан ортиги (5 трлн. сўм)ни ташкил этаётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Иккинчидан, мазкур соҳанинг маҳаллий даражасини ошириб бориш иқтисодий учун юқори мультипликатив таъсирга эга, яъни автосаноатда бевосита битта иш жойининг банд бўлиши унга туташ соҳаларда 5-7 та иш ўрни яратилишига олиб келади. Яъни, бугун «UZAUTO MOTORS» АЖ корхоналарида жами 28 минг киши иш билан банд бўлса, туташ соҳаларда бу кўрсаткич 210 мингга ташкил этилган.

Учинчидан, автомобилсозлик иқтисодий бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан кўпроқ малакалик меҳнат кучи жалб этишни тазоо қилишни таъкидлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийнинг иқтисодий жиҳатдан мурракблиги ва

уни ривожлантириш даражасини оширига сабаб бўлади. Айнаи вақтга қадар автотранспорт воситларини ишлаб чиқариш ҳамма йил сайин (3,9 млрд. АҚШ доллари)ни ташкил этган бўлса, шу кунгача тизимга йўналтирилган жами инвестициялар ҳажми 2,9 млрд. долларга етди.

Автомобиль саноатининг экспорт бозорлари валюта тушумининг генератори ва мамлакат савдо балансини қўллаб-қувватлаш омилли эканини ҳам унутмаслик керак. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида автомобиль ва бутловчи қисмлар экспортдан 216 млн. АҚШ доллари келиб тушганини таъкидлаш жоиз. 2010-2014 йилларда эса, бу кўрсаткич 3,2 млрд. долларни ташкил этган эди.

Юқорида қайд этилганидек, автосаноат тизими бошқа соҳаларнинг ривож топишида ҳам муҳим ўрин тутаятгани оқибатида, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, фойдали қазилмаларни ҳомаёс сифатида арзон-гаров сочиб юбориш ўрнига уларни ўзимизда қайта ишлаб, мураккаб маҳсулотлар тайёрлашга эришяпмиз. Юқори технологиялар олиб келиш эвазига эса малакали кадрларимиз сафи кенгаймоқда. Буларнинг бари электротехника, ойначилик, нефть-газ, кимё, металлургия, енгил саноат тармоқлари ҳамда хизмат кўрсатиш ва албатта илмий-инновацион соҳаларнинг тараққий этишига сабаб бўляпти.

Энди айрим ижтимоий тармоқларда тақдор ва тақдор тилга олинаётган саволларга тўхталсак, Хўш, баъзилар айтганидек, маҳсулот қиммат экан, автомобилларни ўзимизда ишлаб чиқаришни тўхтатсак нимага эришамиз? Бундан ютаммизми ёки аксинча, ютқазамизми?

Таҳлилчиларнинг фикрича, юқоридагидек йўл тутилса, четдан олиб кириладиган автотранспорт воситалари импорти кескин (6-7 млрд. долларга) ошиб кетади. Аммо бу ўсиш биринчи навбатда янги эмас, эски машиналар ҳисобига юз беради. Натижада валюта оқими 200 млн. долларга қисқариб кетади.

Энг асосийси, экспорт бозорларимизни бой берамиз.

Бу бизга 200 млн.дан 1 млрд. долларгача тушиши мумкин.

Импортын кескин ўсиши ва экспорт ҳажмининг пасайиши эса, хорижий валютага бўлган эҳтиёжимизни сезиларли равишда (камида 7-8 млрд. долларга) оширига олиб келади. Бундай ҳолат эса, энг аввало маҳаллий валюта қиймати ва инфляция даражасига жиддий босим ўтказа бошлайди.

Биз юқорида иш ўринлари ҳақида гапирдик. Агар «UZAUTO MOTORS» АЖ йўлини ётсак, туташ соҳаларни ҳисобга олганда, фақатгина автосаноат соҳасининг ўзида 28 мингдан 40 минггача иш ўринларини йўқотамиз.

Энг ёмони эса, мамлакатимиз ЯИМ 3,5 фоизга қисқаради. Бу қандай натижага олиб келишини эса, бешинчи синф ўқувчиси ҳам бехато айтиб бериши мумкин: пенсиялар ва бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари ҳамда бошқа ижтимоий тўловлар қўлайиш ўрнига, аксинча, камайиб кетади.

Ўзбек автомобиллари ўзимизда ўта қиммат, чет давлатларда жуда арзон сотилмоқда, дея асосий айюханнос солаётганлар эътиборига айрим расмий сайтлардан олинган қуйидаги жаadwalдаги маълумотларни

ҳавола қилишни лозим деб топдик.

Юқорида низоли ҳолатлар аввалдан тайёрланган сценарий асосида уюштирилди, деган фикрни бежиз тилга олмайлик. Бунинг устига 2020 йилнинг 12 марти санасига ҳам бежиз ургу берганимиз йўқ. Маълумотларга қараганда, Монополияга қарши курашиш қўмитаси айнан 2020 йилнинг 12 мартида Вазирлар Маҳкамасига «UzAuto Motors» АЖ фаолиятини текшириш учун асосий ахборот киритиб, 2017-2020 йилларда маҳсулот таннархини камайитириш юзасидан куриллаётган чораларнинг самараси пастлиги, сўнгги уч йилда корхона томонидан бор йўғи 167 та янги ускуна ва технология ишга туширилгани, бу эса корхонадаги жами технологияларнинг атиги 2,1 фоизини ташкил этишини билдирган. Шунингдек, «UzAuto Motors» АЖ автомобилаларининг ички бозордаги нархи ташқи бозордаги нархдан сезиларли даражада қимматлиги кўрсатилиб, унинг фаолиятини ўрганишга руҳсат сўраган.

Айнан ушбу ахборот асосида ҳукумат томонидан Идораларо ишчи гуруҳи тузилиб, қўмитага жамият фаолиятини ўрганишга руҳсат берилади. Бироқ, қўмита Ҳукумат

кўрсатмасига зид равишда Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ДСҚ, ДБҚ, «Узстандарт» агентлиги ва «Узавтосаноат» АЖ вакилларидан иборат Идораларо ишчи гуруҳи тузмасдан жамиятнинг солиқ тўловлари, акциз солиғини ҳамда лицензия битимиға мувофиқ норезидентларга ҳисобланган даромад солиғи қўлланилишига оид масалаларни қонун талабларига зид равишда текшириб, ташкилотнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашади. Бу билан эса тадбиркорлик субъектининг фаолиятини текширишнинг белгиланган тартибини бузади.

Шу ўринда ушбу «текшириш» жараёнида автомобилларнинг таннархини шакллантиришда, таннарх шаклланишига таъсир қилувчи омилларни (коммунал тўловлар нархнинг ўзгариши, бутловчи қисмлар нархи ошиши, хорижий валюта курсларининг ўсиши ва солиқ солиш тартиби ўзгариши ҳолатларини) ҳисобга олманган ҳолда асосий нарх оширилган деган хулоса чиқарилади.

Шунингдек, нархларни қайта қўриб чиқиш жараёнида Реклам ва сотув билан

боғлиқ бошқа харажатларни ҳисоблашда фақат реклама харажатлари инobatга олинмади, сотув билан боғлиқ янги Trade-in сотув тизими харажатлари, ижара харажатлари, товар маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳисобга олинмайди.

Бундан ташқари, ҳақиқатда амалга ошмаган чегирмаларни қўллаш (двөгатель нархи учун, лицензия тўловлари учун, молиявий харажатлар учун) ва Бош офис ходимлари иш ҳақи ва меҳнатини рағбатлантириш тўловлари инobatга олинмай, иш ҳақи фондини сунъий пасайтириш оқибатида, таннарх асосий камайитириб ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, қонунийликни таъминлаш шарт бўлган идоранинг ўзи ноқонунийликка қўл уради...

Ана энди хулоса чиқарайлик. Агар юқоридаги рақамлар ва далиллар кимлардадир шубҳа уйғотгудек бўлса, уларни қайта-қайта текшириш ва ҳолис хулосалар чиқариши мумкин. Хўш, ким ва нима сабабдан бундай сохта маълумотларни тарқатди? Бундай низолардан кўзда тутилган асл мударо нима эди?

Умид АРСЛОНБЕКОВ

## «УзАвто Моторс» АЖ автомобилларининг хорижий ва Ўзбекистон бозоридagi нархлари таҳлили

Моделлар номи	Фото	Россия бозоридagi нарх		Қозоғистон бозоридagi нарх		Украина бозоридagi нарх		Озарбайжон бозоридagi нарх		Ўзбекистон бозоридagi нарх	
		1 долл = 73,43 руб.		1 долл = 419,64 тенг.		1 долл = 28,1 гривна		1 долл = 1,67 манат		1 долл = 10 463 сўм.	
		мин	макс	мин	макс	мин	макс	мин	макс	мин	макс
Damas		-	-	7 862	8 340	-	-	-	-	7 256	7 482
Spark		9 668	11 030	-	-	9 587	10 626	-	10 706	7 208	9 165
Nexia		8 987	10 757	9 032	11 176	9 850	11 010	10 000	10 706	8 346	10 420
Cobalt		9668	11 302	9 985	12 368	9 850	11 206	10118	11 137	9 153	11 028

Россия Федерациясидаги нархлар – chevrolet-auto.com, Қозоғистон Республикасидаги нархлар – chevrolet-auto.kz, Украинадаги нархлар ravon.com.ua ва Озарбайжон Республикасидаги нархлар - ravon.com.az расмий сайтларидан олинган.

# ҚАЛАМПИР

— Худудда 23 та кўча бор. Шунинг 19 таси газ тармоғига уланган. Лекин уларнинг 3 тасигина тўлақонли равишда газ етиб келади. Қолганларида газнинг номи бору ўзи йўқ. Босимнинг ўта пастлигидан шикоят қилиб бормаган жойимиз қолмади ҳисоб, — дейди «Бешбулок» МФЙда яшовчи 65 ёшли онахон Мамлакат Рўзикулова. — 4-сектор раҳбарини очиги мен танимайман. Агар у шу худудга масъул экан, нега келиб муаммоларни ўрганмайди, одамлар билан гаплашмайди?!

— Арчазор кўчаси 327-уйда яшайман, — дея сўз бошлайди мазкур МФЙ фуқароси Жалол Эргашов. — Кўчамизда 40 та хонадон мавжуд. Йўл, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Лекин бизга ёрдам берадиган бирон раҳбар топилмаяпти. Ишонсизим, йўл, ичимлик суви, газ, электр тармоғини ҳам ўзимиз пул йиғиб, тортиб келдик. Агар сектор раҳбари бор бўлса, нега ақалли бир марта келиб ҳолимиздан хабар олмайди?!

— Худуддаги 13-сонли умумтаълим мактаби директори Раҳимжон Бобоевнинг таъкидлашича унинг мактабида ҳам муаммолар талайгина. Лекин қўл қовуштириб ўтирмай бу муаммолар билан баҳоли қудрат курашмаямиз дейди, — Раҳимжон ака.

Адашмасам, шу йилнинг ёз ойларида сектор раҳбари Илҳом Ҳасанов бир келиб кетувди. Ушанда ундан мактаб атрофини ўраш, хожатхонага қўшимча бино қуришда ёрдам сўраб мурожаат қилувдим. Ваъда берди-ю, бироқ натижа бўлмади. Мактабни иситиш учун кўмир масаласида ҳам гаплашгандим. Тўғриси, бу масала ҳам шундайлигича қолиб кетди.

Бахтимизга туман Халқ банки 1 тонна, вилоят Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси мутасаддилари 2 тонна кўмир олиб бердилар. Сектор раҳбарига айтишнинг фойдаси йўқ.

Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Манзура Соатовадан 4-сектор раҳбарининг мактабга кўрсатаётган ёрдами ҳақида сўраганимизда бу раҳбарни таниш туғул умуман кўрмаганини айтди.

— Бешбулок МФЙ раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Муборак Элмуродовнинг таъкидлашича худудда 1597 нафар хотин-қиз бўлиб, уларнинг деярли 50 фоизи ишсиз. 32 нафар фуқаро темир дафтarga киритилгани ҳолда уларнинг 12 нафаригина ишга жойлаштирилган, холос.

Тумanning «Зиёкор» шаҳарча фуқаролар йиғинида ҳам талай муаммолар йиллар да-

вомида йиғилиб қолган. Айтиш жоиз, 4-сектор штаби раҳбарининг қабулхонаси ҳам айнан шу шаҳарчада жойлашган. Демак, И.Ҳасановга бу ердаги муаммолар қундай равшан. Лекин шундай бўлсада, ШФЙ раисининг оила, хотин-қизлар, ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Гулшода Алимованинг таъкидлашича, сектор раҳбари худудда онда сонда «кўриниш» бериб қолади. Лекин унинг бу «сирли кўринишлари»дан бирон натижа йўқ. Масалан, худудда қатор йиллардан буён дорихона, қишлоқ оилавий поликлиникаси йўқ. 2533 нафар аҳолининг тиббий хизматга эҳтиёжи жуда кучли. Шаҳарчадаги 15-умумтаълим мактабида ўйингоҳ йўқ.

— Қарийб 15 йилдан буён ушбу мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс бераман, — дейди Наримон Абдуазимов. — Мактаб ўйингоҳи йўқлиги боис дарсларни қаерда ўтказишни ҳам билмаймиз. Билиб олганимиз биргина мактаб спорт зали. Болажонлар эса очик ҳавода шуғуллангилари келади.

— Биз худудда дорихона, қишлоқ оилавий поликлиникаси шу вақтга қадар нега ташкил этилмаганлиги ҳақида 4-сектор раҳбаридан сўраганимизда у худудда «Дониёр шифо» хусусий клиникаси борлиги боис бу ишларга уринмаганини айтиб қолди.

Ушбу хусусий клиникадаги тиббий хизматлар пулли эканини, нархларни эса аҳолининг ҳаммаси ҳам «кўтаролмаслиги»ни Илҳом Ҳасанов жаноablари хатто мушоҳада қилиб кўрмагани таажжубланарли, албатта.

— Шаҳарчамизда 28 та кўча мавжуд бўлиб, уларнинг атиги биттаси таъмирланган ҳолос — дейди раис ўринбосари Гулшода Алимова — қолган 27 таси деярли 30 йилдан буён таъмирланмаган. Ҳаммаёқ ўйдим-чуқур. Тунда юрак ҳовучлаб юрамиз, чунки аксарият кўчаларимиз ёритилмайди, буям бир оғриқли муаммомиз, — дейди опа ва чуқур хўрсиниб қўяди.

Биз юқорида Сирдарё тумани Президент раислигида бўлиб ўтган видеоселекторда қаттиқ танқид остига олинганимизни таъкидлагандик.

Туманда бўлиб, тўртта сектор худудлари ҳисобланган 38 та МФЙ ва ШФЙ ларнинг атиги иккитасида у ҳам бўлса 4-секторга қарашли маҳаллаларда шунча муаммо мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Ва...ва юрт отаси бу туман борасида бежизга жон куйдириб сўзламаганлигига амин бўлдик...

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, журналист



Кудратли инсонга ачининг – у куч-қувватидан махрум бўлиши мумкин,  
бадавлат кишига ачининг – у қашшоққа айланиши мумкин,  
олимга ачининг – у нодонлар орасида адо бўлиши мумкин.

Конфуций

(Бошланishi 1-бетда)

# ТИЛ МАСАЛАСИДА ҚАЧОН ЯҚДИЛ ҚАРОРГА КЕЛАМИЗ?

Маълумки, гербимиздаги «O‘ZBEKISTON» сўзи, миллий валютаимиз купюраларидаги ёзувлар ҳам янги ўзбек алифбосида қайд этилган. Лотин ёзуви шунчалар кенг ёйилганки, ҳатто, рус тили лотин ёзувини расман қабул қилмаган бўлса-да, интернет тизими, мобил алоқа компанияларининг хабарлари лотин ёзувида мижозларга жўнатиляпти. Яна бир мисол, гарчи Эронда араб ёзуви асосидаги форсий алифбо амал қилса-да, аҳолининг муайян қисми электрон тармоқларда лотин алифбосидан фойдаланади. Чунки компьютер тизими лотин ёзувини ҳарф, бошқа ёзувларни эса суврат сифатида кўради.

Султонмурод Олимининг ёзишича, Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига 26 йил, «Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги Қонуни қабул қилинганига эса 24 йил бўлди.



Султонмурод Олим,  
Филология  
фанлари  
номзоди



Зухриддин Исомиддинов,  
филология  
фанлари  
номзоди



Азамат ЗИЁ,  
Олий Мажлис  
Сенати аъзоси,  
тарих фанлари  
доктори,  
профессор

Шунга қарамай, ҳали-ҳамон янги алифбога ўтганмиз йўқ. Холбуки, Озарбайжонда 2001 йилиёқ лотин ёзуви асосидаги янги алифбо тўлиқ жорий этилган эди.

Бугун бизни бошқа масала кўпроқ қизиқтиради: нега лотин ёзуви асосида қабул қилинган алифбомиз ҳали ишлатиб-ишлатилмай туриб, бир марта ислох этилди?

Янги ўзбек алифбоси инглиз тили учун чиқарилган, демократи, дунёда энг кўп қўлланилган компьютер клавиатурасига мос бўлсин, дейилди. Яхши қатъият. Мантқиқ йўқ эмас. Шундай қилинди ҳам.

...Хуллас, биз алифбомизга битта ортиқча ҳарф киритганмиз. Гап «сн» ҳарфи ҳақида кетаяпти. Табиий савол туғилади: нима учун «ч» товуши ифодаси учун «с» ва «н» ҳарфлари қўшилмаси қабул қилинди?

Ахир, янги алифбомизда «с» ҳарфи бошқа ҳеч қандай вазифани бажармайдиган-ку. Фақат бир ўринсиз мулоҳаза ўртага тўшади бўлиши мумкин. У ҳам бўлса – «с» лотин ёзуви асосидаги айрим миллий алифболарда кирилл ёзувидаги баъзан «ц», баъзан «с» ва баъзан эса «к» товушларини ифодалаб келишидир.

Лотин ёзувидаги ҳарфлар унинг асосидаги миллий алифболарда айнан қандай товушни ифодалаш учун ишлатилгани биз учун бирламчи аҳамиятга эга эмас. Чунки ўз миллий алифбомизни яратиб қатъиятга амал қилганмиз. Бунда айрим лотинча ҳарфлар фақат биздагина хос товуш ифодаси учун ишлатилган. Масалан, лотин ёзувидаги «х» айрим миллий алифболарда айнан «кс» товуши ифодаси учун ишлатилади. Биз уни «хато» сўзи бошида келадиган «х» ифодаси учун қўллашимиз. Ёки «к» ҳарфи айрим миллий алифболарда кирилл ёзувидаги «й» ўрнида келади. Биз уни «жўра» ҳамда «жаргон» сўзлари бошида келадиган «к» товуш учун қабул қилганмиз.

Демак, алифбомизга киритилмаган биринчи ўзгариш айнан «сн» ҳарфлар қўшилмасидаги «н»дан бутунлай воз кечишдан иборат бўлиши керак.

Ўзбек тилида тарихан битта «в» товуши мавжуд эди. Бу лаблабдан «в». У амалда «у» га жуда яқин келгани учун ҳам араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосида «в» ҳамда «у» товушлари учун битта «вов» («в») ҳарфи қабул қилинган. Келиб чиқши туркий (ўзбекча), арабий ва форсий бўлган сўзларда «в» худди инглиз тилидаги «дабл», «в» «в») каби лаб лабга тегмаган ҳолда талаф-

фуз қилинади: «валдирамоқ», «вайсамоқ», «войбуй», «виқвиқ», «вақт», «Ватан», «аввал», «савлат», «лавҳа»...

Бироқ XIX асрнинг охириларидан бошлаб тилимизга рус тили орқали рус ва бошқа Ғарб тилларидаги лаблабган «в» товуши иштирок этган сўзлар ҳам кириб келди. Араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосига ҳам, лотин ёзуви асосидаги 1929 – 1939 йилларда ишлатилган ўзбек алифбосига ҳам, ҳатто, мана, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбога ҳам бу биз учун янги товуш ифодасига алоҳида ҳарф олишни ўйламадик, уни ҳам битта ҳарф («в»), «(в»), «(в)» билан ифодалаб кетавердик.

Шўро даврида икки таниқли навоийшуноснинг «Навоий» сўзини галати талаффуз қилишидан ҳайрон қолар эдим. Энди ўйласам, улар бу сўздаги «в» товушини айнан русча, яъни лаблабган ҳолда талаффуз қилар экан. Бу кулоққа худди «Нафой» дегандек эшитилади. Гап шундаки, рус тилида биздаги лаблабмаган «в» (яъни «дабл») – «(в)» товуши йўқ. Шунинг учун руслар буюқ инглиз шоири Шекспирнинг исми – «Wilyam»ни «Уильям» деб ёзишади. Натижада аслида икки бўғинли исм русчада уч бўғинли бўлиб қолади. Биз ҳам русларга кўр-кўрона эргашиб, боз устига, тилимизда инглизлар билан бир хил талаффуз қилинадиган таппа-тайёр «в» («(в)») товуши бўла туриб, «Wilyam»ни «Уильям» деб ёзамиз. Бир давлатнинг номини «Уэльс» деб, яъни икки бўғинли қилиб ёзамиз ва ўқиймиз. Холбуки, аслида, бу – «Вельс» деган давлат. Руслар, азбаройи уларда лаблабмаган «в», яъни «(в)» йўқлиги учун шундай йўл туттишади. Ёки «шоу» деган сўзни олайлик. У ҳам – аслида, «шов», яъни «show» деган бир бўғинли сўз.

Хозир эса тилимизга русчадан лаблабган «в» (яъни «(в)») товуши иштирок этган шунчалар кўп сўзлар кириб келдики, уларни ўзбекча «в» билан талаффуз қилиш мутлақо хато эди.

Мактабда «в» (лотин ёзувида «v») ўқитилаётганда камдан-кам ўқитувчи у тилимизда бил-бирдан кескин фарқ қилмайдиган икки товушни ифодалашини айтади.

Рус тили орқали кириб келган сўзларни ўзбекча «в» билан талаффуз қилаётганимиз бир хато бўлса, ўзимизнинг туркий, форсий, арабий сўзлардаги «в»ни русчадагидек лаблабган «в» товуши билан талаффуз қилаётганимиз дард устига чилқон бўляпти. Ҳатто, Ўзбекистон халқ ар-

тистларининг айримлари ҳам саҳнада, телевидение кўрсатувларида «вафо», «Ватан», «вақт», «гавҳар», «лавҳа» каби оддий сўзларимизни худди ўзбек тилини энди ўрганаётган ажнабий каби «фафо», «фатан», «фақт», «гафҳар», «лафҳа»га яқин тарзда талаффуз қилмоқда.

Бу кетишда яқин келажакда тилимиз тамоман вайрон бир ҳолга келиб қолади. Шунинг учун ҳам алифбомизга «(в)» ҳарфини худди инглиз тилидагидек лаблабмаган «в» товуши ифодаси учун ишлатилик.

Ана ўшанда «воксал», «вольфрам», «объектив», «субъектив», «нерв», «вольт» қилинганидан кейин, Тошкентда, бошқа жойларда руслар ҳам фарзандларини ўзбек мактабларига ўтказишганини кўрган эдик. Аммо орадан йиллар ўтгани сайин бунинг акси юз бера бошлади: энди русларгина эмас, ўзини «маданиятли» деб билган, «келажакка интиладиган»лар ўз она тилини истиқболсиз санаб, фарзандларини русча мактабларга берадиган бўлишди. Бу «эврилиш» кучайиб, шу даражага етдики, роса бир йил аввал – 2019 йилнинг 30 апрелида ўн саккиз нафар «ўзбек» маданият ва санъат намояндлари энди яшириб ўтирмасдан, рус тилига расмий тил мақоми

каби сўзлардаги «в»ларни ҳам аслидагидек, яъни лаблабган ҳолда, бошқага айтганда, «ф»га яқинроқ тарзда талаффуз қиладиган бўламиз.

Модомики, тилимизга инглиз тилидан кўп-кўп сўзлар кириб келиши жараёни бошланган экан, бу икки товуш учун алоҳида-алоҳида ҳарф қабул қилиш – ўта муҳим масала бўлиб бораверади...

**Таниқли адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддинов эса ушбу муаммага бошқа бир тарафдан эътибор қаратади.**

– Бир оилани биладан, – деб ёзади З.Исомиддинов. – Мундай қарасангиз, «асл ўзбек» хонадони – эр тўрда сипо ўтиради, хотини эса пойгақда, ипақдай бўлиб мўлтирайди, бегининг ҳар бир сўзини бажаришга шай, ҳар гапига «дадажониси» деб туради. Аммо бунинг бари – эл кўзига. Аслида, ҳамма масалада фақат шу хотиннинг айтгани бўлади. Бу рўзгор гўё бир саҳна – эр бошлиқ ҳамма роль ўйнайди. «Бой амр қилса, бойвучча хамир қилади» мақоли бунда ўтмайди.

Яна билмадимۇ, ўтмиш замонларда эл кўзига ҳар турли хужжатлар эълон қилиш орқали одамларнинг ҳоврини босиб, амалда эса шунинг акси амалга оширилган ҳоллар ҳам учраган. Бўлмаса, 1989 йил 21 октябрда Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул

берилишини талаб қилиб ҳам чиқди.

Нихоят, муз кўчди. Вазирлар Маҳкамаси хузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди, Давлат тили ҳақидаги Қонун эълон қилинган кун – энди байрам сифатида нишонланганидан бўлди. Буларнинг бари – нафақат тил, балки кўплаб масалаларда орта қайтмаслигимизни, бунинг учун қатъий, сиёсий ирода бизда етарли эканини кўрсатиб турибди.

Аммо... қонун чиқиши ва байрам қилиниши бошқа, амалий иш бошқа. Бир-икки маҳкаманинг фаолияти ва юз нафарча тил жонкуярининг уриниши билан бу огир тошнинг жойидан силжиши амри маҳол. Бутун халқимиз яқдил бўлиб киришсагина ўзбек тили чинакам давлат тили бўлади.

зиёлиларнинг, маданият арбобларининг халқ олдидаги обрў-эътибори, уларнинг фидойилиги ҳазилакам куч эмас. Одам ўқийди, илгор фикрли, маданиятли бўлсин. Аммо шу фазилатлари устига, у фидойи ҳам бўлмаса, нафи йўқ. Афсуски, болаларини русча мактабга берадиган одамларнинг аксари оддий меҳнат кишиси эмас, зиёлилар, маданият ходимлари, арбоблардир. Яна афсуски, миллат етакчилари бўлиши керак бўлган кўплаб зиёлиларимиз ватанпарвар

эмас. Озар, гуржи, эстон, япон ва бошқа ўнлаб маданиятли эллар зиёлиларининг биздаги маданият арбобларидан бир муҳим фарқи бор – она тили уларнинг жону дили, миллат келажagini улар шу тилдан ташқарида кўролмайдилар.

Кўкракка муштраб, «Она тилим, миллатим!» деб айқаннос соладиган талай «ватанпарвар» арбобларнинг неваралари русча мактабга қатнайдди, улар кечки пайт ишдан қайтган «дедуля»сига «Ассалом-алайкум!» деб салом берганида оғизларидан сўзи ўзбекча, талаффузи русча товушлар чиқади. Бундай ота-оналар фарзандлари кейинчалик шу мамлакат равнақига хисса қўшиб яшашини эмас, йўлини топиб, ўзга юртларга кўчиб кетишни орзу қилади, ўша ерларда «достойний» кун кўришлари ғамини ейди, бунинг чораси шу дея, боласини бошқа тили мактабларга беради.

Эҳтимол, «мен ҳам ўзбекман, боламни она тилимда ўқитгим келади, бироқ ўзбек мактабларида таълим аҳоли қандайлиги ўзингизга ҳам маълум-ку?» дейдиганлар чиқар. Биламиз, аммо маорифимизнинг пешонасига иккинчи сорт мактаб бўлиш тақдир ёзуғи эмаслиги ҳам аён. Бу – вақтинча хол. Лотин ёзувига ўтиб, етмиш йил давомида чоп этилган сон-саноксиз адабиётдан узилиб қолиш, бунинг устига яна аллакимнинг қутқуси билан жорий этилиб, чорак аср қўлланиб, яқинда бартараф бўлган «рейтинг тизими» оқибатлари, ўн-ўн беш йилларга чўзилган иқтисодий қийинчилик ва ҳоқозолар сабаб бунга. Бироқ хоржи жўни автомобиларнинг энг жўни бўлган «Дэулар»ни миниб, шундан фахрланиб ҳам юрибмиз-ку, ахир.

Болам русча (ёки инглизча) яхши билим олсин-да, чет элга бориб, яхши маош олиб ишласин, деб ўқитиш – юқорида даражали гастербайтерликка тайёрланишнинг бир шакли, аслида. Бу ҳолда фарзанд ҳам булбул уюсидаги какку қушга ўхшаб улғаяди – ота-онасини ташлаб олисларга учиб кетади. Фарзандига меҳрли, унинг ўз ёнида, ватанида яшашини, шу эл равнақи учун қўлдан келганича хизмат қилишини ўйлаган ота-она уни ўз тилида ўқитади, ўзгалар руҳиятида тарбия қилмайди. Шунинг учун ҳам оддий ўзбекнинг боласи ўзбек тилли мактабга қатнайдди, бу ота, бу бобо-ларда самимиётдан бошқа нарса йўқ, «Во миллато!» деб ихори фазл қила туриб,

боласини бошқа мактабга қўядиган кишилар эмас улар.

Мен бояроқ ватанпарвар эмаслар, деган гални билмасдан айтиб юборганим йўқ. Ватанпарварлик дегани фақат давлат чегарасини кўриқлашдан иборат эмас. Элни севиш ва ҳимоя қилиш ўнда ҳам муҳим. Бу эса, она тилини ардоқлашдан бошланади. Она тили учун қуймаган, унинг тақдирига беларво одам она халқини севмайди, ундай киши, агар беш йил чегара кўриқласа ҳам, асло ватанпарвар бўлмайди.

– Ўзбек тилининг чиндан ҳам давлат тили бўлиши учун киришдикми, унда сўзимизда қаттиқ туришимиз керак, – **деб ёзади таниқли олим Азамат Зиё.** – Қанчалик оғир ва қийин бўлмасын, мақсад сари тўхтовсиз интилишимиз лозим. Мана, ўттиз йилдирки, мурдадаги етолла маъганимиз сабаби ҳам айнан ана шу омил билан боғлиқ сўзимизда туролмаймиш. Туролмагач эса турли баҳонау сабабларни тўкиб, сочиб ташлаймиз.

Хозиргина «Пахтакор» ва «ОКМК» (АГМК) ўртасидаги ўйин туғади. Кейин уюштирилган суҳбатларда голиблар устозига рус тилида савол берилди ва у ҳам шу тилда жаовоб қайтарди. Турли баҳона тўқувчиларга савол: мураббий япон ёки немис бўлганида ҳам шундай йўл тутуларидими? Албатта, йўқ!

Бу ерда гап бошқа тилда савол берилганида эмас, балки, юқорида айтилган-нидек, қатъий сўзимизда! «Спорт» канали раҳбарлари, шарҳловчиларимиздан, Сизлар ўзбек тили росман давлат тили бўлишини истайсизларми, бу борада жонни жабборга беришга тайёрмишлар, деб сўралса борми, шундай сайраб берадилар, шундай сайраб берадилар – улар олдида сандулчининг уни чиқмай ҳам қолади. Амалда эса...

Тил жараёнини ўттиз йилдан буён кузатиб келадиган бир фуқаро сифатида айтир сўзимиз: бугун, аниқроғи, тўрт йилдирки, айбни на давлатга, на қонун, фармон, қарор, кўрсатмаларга ағдаришга заррача ҳам ҳаққимиз йўқ.

Айб ва гуноҳ ўзимизда! Тил, умуман юрт ва миллат учун ўзимизни уринтириш, огирликни ўз бўйнимизга олишни истамаймиз. Бундай феъл билан улкан марраларни эгаллашимиз қийин бўлади. Негаки, ўз тилимизга бўлган муносабатимиз феъллимизнинг ўзига хос кўрсаткичидир.

Г.ЮНУСОВ тайёрлади.



Ёшлигида элчи бўлишни орзу қилмаганлар бўлмаса керак. Чунки болаларнинг назарида элчилар ҳаёти фақат сайр ва саёҳатлардан иборат...

## ДИПЛОМАТНИНГ УСТИДАН ТУШГАН ШИЖОЯТ ТАСДИҚЛАНДИ. АММО...

Ушбу соҳанинг бунчалар осон соҳа эмаслигини билсамда, аммо кўнглимнинг бир четида «барибир элчиларга маза» деган фикр йўқ эмас эди.

2019 йили Новосибирск вилоятидаги бош консулимиз билан танишганимдан кейингина фикрим ўзгарди.

Тўрт кунлик сафар мобайнида Бош консул ва унинг «мўъжазгина команда»си томонидан Ўзбекистондан борган бир неча делегациялар кутиб олинганини кўрдим. Уларнинг қаерга жойлашларидан тортиб қаерда ва ким билан учрашларига, ватандошларимизнинг маҳаллий раҳбарлар, айниқса инвесторлар билан мулоқотларини ташкил этишгача бўлган жараёнларни кузатиб, дипломатлик касбининг чиндан ҳам фақат саёҳат ва сайрлардан иборат эмаслигига ишонч ҳосил қилганим.

– Ўзбекистондаги ўзгаришлар дипломатлар фаолиятини ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо этипти, – дейди Ўзбекистоннинг Новосибирскдаги Бош консули Юсуп Кабулжонов. – Шунинг таъкидлашнинг истар эдимки, ҳар қандай элчихона вакили бу энг аввало Ўзбекистоннинг юзидир. Унинг каттаими, кичикми, барча хатти-ҳаракатлари, ҳатто маълум бир масалаларга доир қарашлари ҳам она юрти манфаатларига хизмат қилиши керак.

2018 йилнинг ноябрь ойида, эндигина вазифамга тайинланиб, Новосибирск шаҳрига етиб келган пайтимида юз берган бир воқеани ҳалигача эслайман. Ушунда аккредитациядан ҳам ўтмаганим.

Россиялик ҳамкорлар билан биргаликда туризм бўйича кўргазма ўтказилиши керак эди. Табиийки, бундай катта тадбирлар журналистларсиз ўтмайди. Уларнинг кўргазмада қатнашишлари учун эса Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Новосибирскдаги ваколатхонасидан рухсатнома олиниши талаб этиларди. Елиб-югуриб, рухсатномани ҳам олдим. Аммо ваколатхона раҳбарияти бундай «ўзбошимчалик» учун «ҳали аккредитациядан ўтмай туриб, турли ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб юрибди» қабилда Россия Ташқи ишлар вазирлигига нота юборгани.

Кўп ўтмай шунга ўхшаш бошқа бир воқеа рўй берди. Бир масалада аэропортга борсам, миграция хизмати ходимлари Ўзбекистонга учиб кетаётган фуқароларни рўйхатдан ўтиш жойида жуда қаттиқ текширишяпти. Ушунда нега одамлар Россияга кириб келаётганларида ёки божхона пунктида эмас, айнан самолётга чиқишганида текширяпсизлар, деб мутасаддилар билан роса тортишганим. Эртасигаёқ бу ҳолатга изоҳ беришни талаб қилиб, Россия Ташқи ишлар вазирлигига нота топширганман. Шунда уни қабул қилиб олган бир ходим:

– Шунча йил ишлаб ўз фуқароларини ҳимоя қилган ўзбек дипломатини биринчи кўришим, – деган эди...

Дарҳақиқат, хорижда яшаб, ўқийётган ёки ишлаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чет давлатлардаги консулхоналаримиз фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Жумладан, чет эллардаги ватандошларимизнинг паспортларни алмаштириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, бошқа юртларда вафот этган яқинларининг ўлими сабабларини аниқлаш, марҳумларни Ватанга олиб

лик қилаётган Ўзбекистон Республикасининг Новосибирск шаҳридаги бош консулхонаси жамоаси ҳам юқоридаги фаолият билан чекланиб қолмасдан, мамлакатимиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, илм-фан ва таълим, қишлоқ

религиянинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган иккита маданий-маърифий тадбир ҳам ташкил этилди.

Жорий йилнинг 15-16 август кунлари эса Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар Новосибирск шаҳрида ташкил этилган «Ҳарбий разведка аълочилари – 2020» халқаро мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, Россия жамоасидан сўнг фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Консулхонамиз ташаббуси билан Новосибирск шаҳрида 21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ҳам жуда катта байрам сифатида нишонланди. Унда нафақат ватандошларимиз, балки Россия жамоатчилиги ҳам фаол иштирок этди.

Маълумки, бугунги кунда кўплай ўзбекистонлик фуқаролар Россия Федерациясида, шу жумладан, Новосибирск вилоятида турли соҳа ва йўналишларда меҳнат қилмоқдалар. Қайд этиш жоизки, Бош консулхонамиз ташаббуси билан улар учун Новосибирск қурилиш-монтаж колледжидан халқаро стандартлар асосида «Сантехника ва иситиш», «Электр монтаж» йўналишларида касбий тайёргарлик курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Рус тилини ўқитишга ихтисослашган курсларда ҳам юзлаб ҳамюртларимиз тил ўрганмоқдалар.

Бош консулхона томонидан келгусида ҳам турли тадбирларни ўтказиш режалаштирилганини айтиш мумкин. Жумладан, «Сибирь кутурьеси» халқаро танлови-

да Ўзбекистоннинг миллий либослари ва миллий услубдаги аксессуарларини намойиш этиш, шунингдек, Янги йилда – Наврўз байрами арафасида новосибирсклик Виктор Феоктистов томонидан ўзбек этник костюмлари тўпламини яратиш ҳамда аввал Новосибирскда, кейин Ўзбекистонда унинг кўргазмасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу ўринда, Ўзбекистон делегацияларининг Новосибирскка, шунингдек Россияликларнинг мамлакатимизга уюштирилган ўнлаб ташрифлари самарадорлигида ҳам Бош консулхона ходимлари ташаббускор бўлганини эътироф этиш лозим.

Маълумки, пандемия шароитида юзлаб, минглаб фуқароларимиз Россиянинг бошқа ҳудудлари қатори Новосибирскдан ҳам она Ватанимизга қайтариб олиб келинди.

Темир йўл вокзали ҳудудида юртдошларимиз учун ош дамланаётгани, беморларга тиббий ёрдам кўрсатилаётгани акс этган суратларни кўриб, дунёнинг чекка бир ҳудудида ҳам Сенга мадад қўлини чўзаётган Ватандошларинг борлигидан қувонсан, беихтиёр кўзинга ёш ҳам келади.

...Ҳаво совуқ. Аммо Сенга ака ёки уқангдек муомала қилаётганларни кўриб, беихтиёр тананга иссиқлик киради. Кўнглинг тинчланиб, хавотирларинг йўқолади. Билгилки, бу она Ватанингдан олисда бўлса ҳам Сенга Ватан мексини улашаётган юртдошларимиз меҳрирдир...

Одилбек РАҲМОНОВ

## ҚАШҚАДАРЁДА ҲАМ ЯНГИ КЛУБ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши қошида ҳам «Депутат аёллар клуби» иш бошлади. Янги тузилманинг таъсис этилишига бағишланган тадбирда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази вилоят бўлими, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси бўлими ходимлари, тадбиркор аёллар, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутат опа-сингилларимиз иштирок этдилар.



Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмўминов, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати, «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Ойниса Очилова, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказининг вилоят бўлими раҳбари Коммуна Исмоилова, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши депутатлари Муабара Ҳақимова, Дилфуза Жалилова ва бошқалар сўзга чиқиб, бундан буён ушбу клуб хотин-қизлар билан ишлашни бутунлай янги даражага

олиб чиқишини таъкидладилар. Сайфулла Махматмўминовнинг таъкидлашича, идоралараро хусусиятга бўлган масалаларни ҳал этиш, депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан сессиялар кун тартибига долзарб масалалар киритиш, уларни доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилинишида ҳам ушбу клуб энг қўлай платформа вазифасини бажаради.

Тадбирда хотин-қизлар мурожаатларини қабул қилиш учун «Аёллар қаноти» томонидан Ишонч телефони ишга туширилгани ҳам

таъкидланди. Йиғилишда вакиллик органларига сайланган депутат аёллар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўз ваколатларидан кенгроқ фойдаланишга оид масалалар юзасидан маърузалар ҳам тингланди.

Тадбир якунида партия сафида янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари ҳам топширилди.

Шаҳноза ҚАҲҲОРЗОДА, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси

Кутинг!



## ОЧЛИК УРУШИ

Фитна муносабатларга раҳна солиб, ҳатто отани боладан айиради. Нотинчлик, низо, иғво келтириб чиқаради. Фитнанинг асли сийратидан фарқ қилишини, афсуски, инсонлар кеч тушунадилар. Фитна эгаларининг хатти-ҳаракатлари исён, ғалаёнга олиб келиши муқаррар.

Келгуси сонларда

Муҳаббат умрда бир марта келади. Ёқтириш эса, бир неча марта. Сен буларнинг орасини аралаштирма, тагин надомат қилиб юрмагин.

Марк Твен



Коронавируснинг янги тури тезлик билан тарқалмоқда

Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазири Мэтт Хэнкок мамлакатда аниқланган коронавирсинг янги варианти билан боғлиқ вазият назорат остида чиққанини маълум қилди, дейлади «Sky News» хабарида. «COVID-19»нинг янги штамми тарқалишини назорат қилиб бўлмай қолди, айниқса, Англиянинг кучайтирилган чеклов чоралари кўрилган туманларидаги одамлар ўзини худди бу вирус бордек тутишлари мумкин», деди вазир. «COVID-19»нинг янада юқумли варианти бўлган мазкур вирус жуда тезлик билан тарқалмоқда, шунинг учун ҳукумат мажбурий тарзда кўрган кескин чоралар бир неча ойга, вакцина топилигунча давом этади, деб қўшимча қилди у.

uza.uz

Кўп қаватли дарахт

Бу Япония дарахтлари. Японлар 700 йилдан бери уларни чопмай туриб тахта ишлаб чиқаришаркан. XIV асрда орол мамлакатда дайсуги номли техника пайдо бўлган бўлиб, кўраётганингиздай, унда янги қарағай дарахтлари «қари»лари устида ўстирилади. Бунда «кекса» қарағай дарахтини шохларини ўзига хос қилиб кесган ҳолатда эндигина ўсаётганларини ўша кесилган шохларга «экишади». Биз ҳам бу тажрибани японлардан ўргансак бўлар экан. Шунда юртимиздаги дарахтлар беҳудага кесилмасди.



Рустам МИРВОҲИД

Иккинчи одам

Машхурлик берилмас ҳар кимга бирдек, Эплаган – шухратнинг шаробин хўплар. Машхурлар аксари биринчидир, лек Иккинчи одамни билмайди кўплар.

Эл кўзидан пинҳон юрар панада, Меҳнатларин қилмас зарра овоза. Тушунарли бўлсин сизга янада: Косанинг тагида улар нимкоса.

Буюклик чўққисин кўзласа ҳар ким, Тутган елкалари зинапоядир. Худо билар, улар авлиё, балким, Жами даҳоларга ёлғиз дойдир.

Улар ҳар соҳада мавжуддир азал, Турмуш ҳар жабҳаси уларга маъво. Уларнинг тури кўп, ўзгарар ҳар гал: Бирда она бўлар, бирда-чи ошно.

Баъзида устоздек кўринар кўзга, Баъзан рафиқадек боқар мулоийм. Биринчи бўлмоқни эп кўрмас ўзга, Иккинчи бўлмоқдан хурсанддир доим.

Иккинчи зотларга мисол кўп, билсанг, У гоҳ фарангидир, гоҳ аробий. Муаллим ул-аввал Арасту бўлса, Муаллим ус-соний, не тонг, Фаробий.

Тарихда осийлар ҳақ йўлга қайтган, Бунга гувоҳ сариқ саҳифалардир. Илк бор ислом сўзин гар Набий айтган, Уни тарғиб қилган ҳалифалардир.

Саид Баракадек пиру муршид ҳам, Темур учун руҳий таянч бўлган-ку. Навой-чи? Вазир – иккинчи одам, Бойқарога қирқ йил суяч бўлган-ку.

Ҳаёт шу – кимдир бош, ким эса бўйин, Ундан фармон эрур, бундан-чи ижро. Гоҳ бош бўйинга ён босган сайин, Бўйин бош бўлмакка қилар иддо.

Худо, ўзинг асра бундай ҳолатдан, Ҳар ким ўз ўрнида тургани маъкул. Отлиқлар урушда тушмасин отдан, Пиёда пиёда юргани маъкул.

Шунда тўқис бўлар янада турмуш, Аҳиллик – найзани куракдан юлар. Саҳнада санъаткор олганда олқиш, Саҳна ортидаги юракдан кулар.

Юракдан кулмоқлик ҳар ким учунмас, Эплаганга омад ёр бўлсин, дейман. Биринчи одамлар бахтига, хуллас, Иккинчи одамлар бор бўлсин, дейман.

КИМ БАХТЛИ?

Билсанг, ер бахтлидир... "Нега?" дейсанми – Пойингдан бўсалар олади тинмай. Само ҳам бахтиёр – ёмғир оралаб Сочларинг сийпалар сенга билдирмай.

Сабо ҳам бахтлидир, гуллар атрини Қафтида элтади димоғларингга. Юлдузлар ҳам бахтли, тунар аксини Тушириб сингади қароғларингга.

Қуёш ҳам бахтлидир, гарчи рашк қилиб, Кўз қирин ташлайди булутлар аро. Зилот ҳам ўшандай... Исмнинг шивирлар – Кимнинг ховучига тўлса доимо.

Сен-ку, туртки бердинг заминга аввал, Шундан бери у ҳам ишқингда халак. Таажуб, шу азим замин турганда, Сенга маскан бўлди кўксимда юрак. Эҳтимол, шу менга саодат демек?!

Ким бахтли...?

«КИЧИК ШЕРДОР» МАДРАСАСИНИ БИЛАСИЗМИ?



Самарқанд туманидаги Хўжа Аҳрор Валий зияратгоҳининг шимолида 1631 йил (ҳижрий 1040 йил)-да Бухоро амири Имомқулихон саройида нуфузли лавозимда ишлаган Нодир Муҳаммад Девонбеги томонидан бунёд этилган мадраса бор.

Ушбу мадраса халқ орасида кейинги 50-60 йил ичида нашр этилган деярли барча адабиётларда "Ташки Шердор" ёки "Кичик Шердор" мадрасаси деб ҳам аталган. Чунки ушбу ёдгорлик пештоқида ҳам шер тасвири туширилган. Бу қанчалик тўғри? Аслида ҳам шундайми? XX аср бошларида Самарқанд музейида директор сифатида фаолият олиб бориш билан бирга, Самарқанд ёдгорликларининг муҳофизати ҳисобланган В.Вяткин тадқиқотларига кўра, ўша вақтда

Самарқанддаги Нодир Девонбеги мадрасаси ҳозирги кўринишидан анча фарқ қилган. Мадрасада ишлатилган безаклар услуби ва мазмуни жиҳатидан Регистон ансамблидаги Шердор мадрасасига ўхшаш бўлган. Гарчанд мадрасанинг декоратив безатилиши ўзига хос нақшлар тузилмаси ва ранглардан фойдаланиш усуллари бошқача бўлса-да, нақшинкор безакларининг тузилиши ва сюжети Шердор мадрасасининг композицион безатилишини эслатади. Мадрасанинг безатилишида турли ўсимликсимон нақшлар, тамғали гиштчалар, давралар оралиғи ва атрофни безатишда Шердор мадрасасидаги каби мовий, оқ, сариқ ва яшил ранглардан фойдаланилган. Қора ранг ишлатилмаган. Бироқ дастлабки пайтларда Нодир Девонбеги мадрасаси пештоқида Шердор мадрасаси пештоқида акс эттирилган қоплон ёки арслон тасвирлари бўлмаган. Бу тасвирлар собиқ иттифоқ йилларида обидада амалга оширилган таъмирлаш вақтида ўрнатилган. Шунингдек, мадраса кириш

пештоқи фризларида мовий кошинларга тўқ малла ҳарфлар билан ёзувлар битилган бўлиб, ёзувларнинг ўрта қисми сақланмаган. Сақланиб қолган ёзувларда Нодир Мирзо Тоғай девонбегининг отаси Султон Мирзо Орлотга атаб таъзиянома битилган ва ҳижрий ҳисобда 1045 йил санаси кўрсатилган. Бундан келиб чиқадики, Нодир Девонбегининг отаси ҳам Хўжа Аҳрор Валий даҳмасига дафн этилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, пештоқда Бухоро хони Имомқулихон ва Нодир Девонбеги ҳақидаги мисралар ва мадраса меъмори Дўст Муҳаммад исми битилган бўлган. Афсуски, ушбу ёзувлар бугунги кунга қадар сақланиб қолмаган. Юқоридегилардан кўриниб турибдики, Нодир девонбеги мадрасаси безак ишларида Шердор мадрасасидан андаза олинган. Шунинг учун ҳам бу обида халқ орасида "Кичик Шердор" деб аталган.

Маҳмудхон ЮНУСОВ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз

Grid of names and words in various languages and scripts, including Cyrillic, Latin, and Arabic.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Алишер КОДИРОВ – кенгаш раиси, Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҲАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ. Бош муҳаррир: Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди. Навбатчи муҳаррир: Равшан МАҲМУДОВ. Навбатчи: Вилоятхон ШОДИЕВА. Дизайн: Маъмуружон ҚУДРАТОВ. Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона (факс): (0-371) 232-12-03, +99897 741-20-22, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади. Адали – 2809. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ. Буюртма – 1226. Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 6:30. ISSN 2010-7714 123456